



LEGALITY OF GOVERNOR'S DECISIONS IS UNDER CONTROL. JUDICIAL CONTROL, TODAY'S AND FUTURE HISTORY ISSUES

Toshov Ikromjon Murodilloevich

judge of Bukhara regional court

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5576513>

ARTICLE INFO

Received: 05th October 2021
Accepted: 10th October 2021
Online: 15th October 2021

KEY WORDS

judicial control, administrative relations, legality of decisions of local public administration authorities,

ABSTRACT

The Court pays special attention to the improvement of the legislation on administrative court proceedings in the control over the documents of local state authorities. In particular, the adoption of the Code of Administrative Procedure of the Republic of Uzbekistan has led to a special approach to this area

Ушбу вазифаларни маҳаллий давлат ҳокимият органлари ҳужжатлари устидан суд назоратида ҳам амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда маъмурий судлар фаолиятида ижобий ислоҳотлар амалга оширилди. 2020 йил 24 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш ва маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга

ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши белгилаб ўтилди.

Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимият органлари ҳужжатлари устидан суд назорати бўйича ижобий ислоҳотлар амалга оширилган бўлсада, соҳада айрим муаммолар мавжудлиги таъкидлаш лозим. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимият органларининг индивидуал ҳужжатлари устидан суд назоратини амалга оширишда маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш билан боғлиқ



муаммолар мавжуд. Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг норматив характеридаги ҳужжатлари устидан маъмурий суд назорати очиқ қолган. Маҳаллий давлат ҳокимият органлари ноқонуний ҳужжатлари натижасида етказилган зарарни суд тартиби кўриш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ҳужжатлари устидан суд назоратига оид масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Суд назорати илмий жиҳатдан мунозарали тушунчадир. Суд назорати объекти бу давлат органлар ва мансабдор шахсларнинг муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган ҳужжатлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) киритиш мумкин. Шу муносабат билан, суд назорати концепциясида суд ҳокимияти ва суд бошқаруви соҳасидаги мансабдор шахсларнинг юрисдикцияга боғлиқ бўлмаган функцияларини киритиш мумкин.

Суд назоратининг урта функцияси бор. Биринчидан, бу қуйи судларнинг нотўғри қарорларини бекор қилиш орқали адолатни таъминлайди; Иккинчидан, апелляция судлари қуйи судларнинг ишини назорат қилади; Учинчидан, ижро ҳокимият органлари ҳужжатларининг қонунийлигини назорат қилади.

К.Бретсшнайдернинг таъкидлашича, суд назоратининг мақсади халқнинг демократик жараёнлардаги иштирокини сақлаб қолишдир. Суд назорати фуқароларга ўз

ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳукуматга қарши туришда муҳим рол ўйнайди.

Суднинг назорат фаолияти маълум процессуал доирада амалга оширилади, унинг тартиботи процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Суд назорати одил судлов шаклида, конституциявий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий суд ишларини юритиш, шунингдек бошқа юрисдикция шакларида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Тадқиқот якунида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ҳужжатларининг қонунийлиги устидан суд назорати тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди:

“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатларининг қонунийлиги устидан суд назорати деганда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг индивидуал ёки норматив характеридаги ҳужжатини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини маъмурий ёки конституциявий судлов кўринишида текшириш тушунилади”.

Ўзбекистонда суд томонидан маҳаллий давлат ҳокимият органлари ҳужжатининг қонунийлигини текширишнинг текшириш воситасида амалдаги қонун ҳужжати ўз кучини йўқотишида ифодаланадиган норма ижодкорлигига боғлиқлиги, судларнинг ҳужжатларни текшириш бўйича ҳаракатининг бир кўриниши ва маъмурий одил судлов фаолияти каби хусусиятлари мавжудлиги асослаб берилди.

1. Суд томонидан маҳаллий давлат ҳокимият органлари



хужжатининг қонунийлигини текшириш шаклига кўра, бевосита ва билвосита турларга бўлиб ўрганиш таклиф этилиб, унга қуйидагича муаллифлик таърифлари берилди:

Суд томонидан маҳаллий давлат ҳокимият органлари хужжатининг қонунийлигини бевосита текшириш деганда, манфаатдор жисмоний ёки юридик шахс ташаббусига кўра маъмурий суд иш юритуви тартибида бевосита хужжатни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш талабига кўра низолашилаётган хужжатнинг қонунийлигини суд томонидан текшириш тушунилади;

Маҳаллий давлат ҳокимият органлари хужжатининг қонунийлигини текширишнинг билвосита шакли деганда, манфаатдор шахс (жисмоний ва юридик шахс, прокурор ёки қонунда назарда тутилган бошқа давлат органлари) ташаббусига кўра устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят)ни кўриб чиқиш жараёнида тегишли хужжат тўлиқ ёки қисман ғайриқонуний бўлганда, суднинг мазкур ғайриқонуний хужжатни тўлиқ ёки қисман қўлламаслиги тушунилади.

2. Суд томонидан маҳаллий давлат ҳокимият органлари хужжатининг қонунийлигини текшириш шартларини уч шаклга, жумладан, шаклий қонунийлик, ҳақиқий қонунийлик ва маъмурий ихтиёрийликни қўллаш қонунийлигига бўлиш таклиф этилди. Тадқиқот натижасида қуйидаги тавсия ва хулосаларга келиш мумкин:

I. Норматив-ҳуқуқий

хужжатларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

3. МСИЮтКнинг 188-моддасининг 3-қисмини қуйидаги тарзда ўзгартириш таклиф этилди.

«Маъмурий органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунийлигини, устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёхуд устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг ваколатларини, уни қабул қилиш ва эълон қилиш тартиб-таомилининг тўғрилигини, маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллаш қонунийлигини текширади, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузганлигини аниқлайди».

4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасига қуйидаги қўшимча киритиш тавсия этилди:

“8) маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қонун хужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари



(ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги.”

5. Маъмурий судлар маҳаллий давлат ҳокимият органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш таркибида манфаатдор шахс томонидан иш кўриш жараёнида суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўлламасликни талаб қилса, суд мазкур идоравий норматив-ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан алоҳида тартибда мурожаат қилиш тартиботи борлигини тушунтириб, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаши лозим. Шунингдек, ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида манфаатдор шахсга идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш талаби билан МСИЮтК 22-боби тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтириб ўтиши лозимлиги таклиф этилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги Пленум қарорига қуйидаги қўшимча банд киритиш таклиф этилди:

«6¹. Суд маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ҳужжати юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишни ҳал этишда ҳужжат лойиҳаси, ҳужжатни қабул қилган органнинг юридик хизмати хулосаси, ҳужжатни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хати, ҳужжат лойиҳасини келишиш

тўғрисидаги маълумот, ҳужжатни қабул қилган коллегиял орган йиғилишининг баённомаси, ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисида суд ишларини юритишда экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан далил сифатида фойдаланиши мумкин».

II. Суд амалиётини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

7. Уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан маъмурий судга мурожаат қилинганда, талаб мулк ҳуқуқи эътироф этилган уй-жой бўйича низо мавжудлигидан келиб чиққанлиги учун, ариза маъмурий суд судловига тааллуқли эмас деган асос билан ариза бўйича иш юритишни тугатишга йўл қўйилмаслигига;

8. Маҳаллий давлат ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш талаби маъмурий суд судловига тааллуқли бўлганлиги учун, бундай талаб билан судга мурожаат қилинганда, суд аризани мазмунан кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилишига;

9. Аризачи туман ҳокимининг ер ажратиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб судга мурожаат қилганда, ариза бўйича иш юритиш ер участкаси аукционда сотиб олинганлиги боис, аукцион натижалари бўйича расмийлаштирилган баённомани фуқаролик судида ҳақиқий эмас деб топмасдан, аризачининг талабини маъмурий судда кўриб бўлмаслиги асоси билан тугатилишига



йўл қўйилмаслигига, балки, ариза
маъмурий судда мазмунан кўриб
чиқилиб, тегишли қарор қабул
қилинишига;

10. Аризачи ҳокимлик қарорини
ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги
талаб билан маъмурий судга мурожаат

қилганда, МСИЮТК
133-моддасида назарда тутилмаган асос
билан унинг аризасини қабул қилиш рад
этилмаслигига, ушбу қоннуда назарда
тутилган асослар тугал бўлиб, уларни
кенг талқин қилишга йўл
қўйилмаслигига;

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ж.Неъматов. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедураларни такомиллаштириш: Маъмурий ҳуқуқ асослари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил: ўқув қўлланма – Т.:2015-32-б.
2. И.А.Хамедов, И.М.Цай. Институт административных процедур в свете реформирования административно-процессуального права в Узбекистане. Ежегодник публичного права - 2014: “Административное право: сравнительно-правовые подходы”. – М.: Инфотропик Медиа, 2014. Стр. 393.
3. Я.Цико. Основы законодательства об администивных процедурах в Германия. Ежегодник публичного права-2014.-М. с.365
4. Давыдов К.В. Принципы административных процедур: сравнительно-правовое исследование // Актуальные вопросы публичного права.- 2015. № 4 (34). С. 18.
5. Ларс Брокер. Инквизиционный принцип в административной процедуре. Ежегодник публичного права-2018. Принципы административных процедур и административного судопроизводства.-М.
6. Моше Коэн-Элия, Иддо Порат. Американский метод взвешивания интересов и немецкий тест на пропорциональность: исторические корни // Сравнительное конституционное обозрение. 2011. № 3 (82). С. 61.
7. Katsuya Uga. Administrative law Text, Vol.1, General theories. Yuuhikaku, 2006. P 361.
8. Pub. Law 404, Ch. 324, 79th Cong., 2nd sess., approved June 11, 1946.<http://www.archives.gov/federal-register/laws/administrative-procedure/> (accessed on December 17, 2014).(Federal Administrative Procedure Act of US).
9. Ferrel Heady. “State Administrative Procedure Laws: An Appraisal”, Public Administration Review, Vol. 12, No. 1 (Winter, 1952), p. 10.